



PROBLEMS OF RELIGION FND PROGRESS IN TURKESTAN AT THE VERY NEXT TIME

Shukhrat Ergashev

*Doktor of Historical Sciences, Professor
Renaissance Talim University
Tashkent, Uzbekistna
E-mail: 24shuhrat@mail.ru*

ABOUT ARTICLE

Key words: Turkestan, Islamic religion, development, civilization, backwardness, Russia, Europe.

Received: 05.06.25

Accepted: 07.06.25

Published: 09.06.25

Abstract: The article is devoted to the analysis of social and spiritual stagnation in Turkestan on the eve of the Russian invasion and its causes. Attempts were made to identify the factors that influenced the state of Islamic society of that period and the causes of the crisis.

ЯНГИ ДАВР АРАФАСИДА ТУРКИСТОНДА ДИН ВА ТАРАҚҚИЁТ МУАММОЛАРИ

Шухрат Эргашев

*тарих фанлари доктори, профессор
Ренессанс таълим университети
Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: 24shuhrat@mail.ru*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар. Туркистон, ислом дини, тараққиёт, цивилизация, қоқоқлик, Россия, Европа.

Аннотация: Мақола Россия босқини арафасида Туркистондаги ижтимоий-маънавий турғунлик ва унинг сабабларини таҳлил қилишга бағишланган. Ислом жамиятининг ўша даврдаги ҳолати ва инкироза таъсир кўрсатган омиллар ва қоқоқликнинг сабабларни очиб беришга ҳаракат қилинган.

ПРОБЛЕМЫ РЕЛИГИИ И ПРОГРЕССА В ТУРКЕСТАНЕ НА КУНУНЕ НОВОГО ВРЕМЕНИ

Шухрат Эргашев

*доктор исторических наук, профессор
Университет Ренессанс таълим*

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: 24shuhrat@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Туркестан, исламская религия, развитие, цивилизация, отсталость, Россия, Европа.	Аннотация: Статья посвящена анализу социально-духовной стагнации в Туркестане накануне российского вторжения и ее причин. Были предприняты попытки выявить факторы, влиявшие на состояние исламского общества того периода и причины кризиса.
---	--

XIX асрнинг 60-йилларида Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинishi жараёнининг моҳияти ва оқибатларини тўғри баҳолаш учун Туркистондаги хонликларнинг шу даврдаги ҳолатига эътибор қаратиш лозим. Ҳозир баъзи адабиётларда Туркистондаги хонликлар даврини иделлаштириш учун қилинаётган ҳаракатга қармасдан, хонликлар даврида аҳолининг аҳволи жуда мураккаб эди.

Бу даврда хонликлардаги мавжуд бошқарув шакли, жамиятда шахснинг фуқаролик ва мулкӣ ҳуқуқлари етарли таъминланмаганлиги аҳоли катта қисмининг психологик қиёфасида зулм ва хўрликнинг, шунингдек, тобелikka мойиллик, хушомадгўйлик ва таъзимбозлик каби иллатларнинг яққол акс этишига олиб келди.

Бундай ҳолат қисман ўша даврдаги диний маданият ва унинг асосида шаклланган менталитет билан ҳам боғлиқ эди. Айтиш лозимки, пайдо бўлиш жараёнида ва ривожланишининг дастлабки даврида ислом дини тарихий тараққиётга жуда катта ижобий таъсир кўрсатди.

Бутун ислом оламининг мулки бўлган Ислом цивилизацияси ажойиб ютуқларга эришди. Унинг арихитектура, адабиёт, тиббиёт, математика, астрономия, география, фалсафа, филология, тарихшунос-лик, мусиқа, нақш санъати, шунингдек, ундан Европага ўтган компас, порох, қоғоз, сонлар, нафис пазандалик, шахсий гигиена, кўплаб тантанали маросимлар, мода, яхши хулқ атвор соҳаларидаги ютуқлари умумий тан олинган.

Ислом жамоаси (умма)да, давлат тузилиши, оилавий муносабатлар ва диний фаолиятнинг шу пайтгача мавжуд бўлган баъзавий модели ўзгаришсиз қолди. Иқтисодий муносабатларнинг технологик асослари ҳам, кишиларнинг атроф муҳитга муносабати ҳам жиддий ўзгаришларга учрамади. Аммо Византиядаги христиан олаmidан ёки Эрондаги сасонийлар даври зардуштийлар жамиятидан фарқли равишда ислом давлат ва диний жамоаларни бир бутун қилиб бирлаштирди. Шу тариқа ислом жамиятига асос солинди. Унинг қарор топиши янги сиёсий ва ижтимоий бирликнинг пайдо бўлганлигини, эски

элементлардан фойдаланган ҳолда янги маданий тасаввурларнинг ишлаб чиқирилишини англатар эди.

Бир-бири билан ёнма-ён, кўпчилик ҳолларда рақобатда бўлган христиан ва ислом дунёлари ўзаро фақат урушишган эмас. Улар бир-биридан кўп нарсани ўрганди, фан, маданият, техника, жумладан, ҳарбий иш техникаси, ҳунармандчилик, аграр ишлаб чиқариш, санъат, архитектура соҳаларини ўзаро бойитди. Бу ўзаро мулоқотда XII – XV асрларда устунлик мусулмонлар томонида эди, шу сабабли Европа араб-ислом цивилизациясининг кўплаб жиҳатларини қабул қилди. Аммо Европада Уйғониш, кейин эса Маърифат даври келиши билан ҳолат кескин ўзгарди. Маданий-тарихий етакчилик энди Ғарбга ўтди.

Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири рационализмга муносабатда эди. Маълумки, барча цивилизацияларда рационализм мавжуд, аммо унинг даражаси турлича. Рационализм ривожланганлигининг муҳим кўрсаткичи фан ва фалсафа ютуқлари ҳисобланади. XIII асрда ислом дунёсида мутаассибларнинг устунликка эришиши, Қурон ва Суннани талқин қилишнинг таъқиқланиши фақат критицизмга эмас, рационализмга ҳам берилган кучли зарба бўлди. Фан аста-секин таназзулга юз тутди, фалсафада эса асосий ўринни мистик таълимот эгаллади.

Ислом динининг кириб келиши Туркистон халқларининг дунёқара-шида парадигмаларнинг глобал ўзгаришига олиб келди. Бу динни қабул қилган Туркистон халқлари дунёқарашида, ахлоқий-маданий ва маънавий ориентациясида кескин ўзгаришлар юз берди, мутлақо ўзгача руҳий-фалсафий асосдаги янги маданият шакллана бошлади. Бу дин кўплаб халқлар ва элатларнинг маънавий-маданий тарқоқлигига чек қўйди ва уларнинг ягона халқ бўлиб шаклланиш жараёнини тезлаштир-ди. Ислом динининг Туркистон халқлари урф-одати, анъана, маросим ва тартиб-тамойилларига бағрикенглик билан ёндошиши бу мураккаб жараённинг муваффақиятли кечишини таъминлади. Туркистон халқлари ҳаётининг руҳий-маънавий, оилавий-маиший соҳаларида ислом дини жуда муҳим роль ўйнади ва ҳамон шундай бўлиб қолмоқда.

Ислом динининг цивилизациявий константаси унинг янгиликларга мослашув-чанлигини намоён қилибгина қолмасдан, шунингдек, уларни ўзининг ижтимоий-маданий қоидаларига бўйсундиришга ҳам лаёқатли эканлигини кўрсатди. Шу сабабли Туркистон халқлари тарихида бўлиб ўтган миллий-озодлик ҳаракатларида ислом дини ғоявий ва ахлоқий таянч сифатида ўта муҳим роль ўйнади.

Аммо мусулмон халқлари тарихида XIII – XIV асрлардан бошланган интеллектуал тушқунлик XVI асрга келиб иқтисодий ва сиёсий инқи-розни ҳам бошлаб берди. Бу

даврда Туркистонда ҳам эркин тафаккур таъқиқлана бошланди. «Шохрух даврида ижод қилган тарихчиларнинг ёзишича, айнан шу даврда шариат Чингизхон қонунларидан устунликка эга бўлди. Темур ҳам уламоларга ҳомийлик қилди, улар билан тенг муомалада бўлди ва суҳбатлар уюштирди, пайғамбар авлодаларига алоҳида ҳурмат кўрсатди, саййидлар унинг давлатида ҳаёти дахлсиз ҳисобланган ягона қатлам эди. Шунингдек, Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Темур дин ва шариатни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилди, унинг даврида «ҳеч ким фалсафа ва мантиқ билан шуғулланишга журъат қилмади».

XV асрдан кейин ислом дунёсининг қолган қисмидан тўлиқ ажратиб қўйилган Туркистоннинг мухташам цивилизацияси XVII асрга келиб чуқур интеллектуал инқирозга юз тутди ва қачонлардир ислом динининг муҳим маданий маркази бўлган минтақа тор фикрли мутаассиблар ва мурасасиз жаҳолатпарастлар ўчоғига айланиб қолди.

Шунингдек, тўхтовсиз давом этаётган ўзаро урушлар маълум маънода ҳўжаликнинг вайрон бўлишига, шаҳар ҳаётининг инқирозига, ҳатто узоқ давр минтақанинг сиёсий ва маданий маркази бўлган Самарқанддек шаҳарнинг бўшаб қолишига олиб келди, исломнинг конфессионал ташкилот сифатида жиддий структуравий трансформациясига сабаб бўлди. Умуман жамият ҳаётида ислом динининг аҳамияти аввалгидек юқори даражада қолаётган бўлса-да, одатда, давлат билан қаттиқ боғланган ва марказий ҳокимиятга қарам бўлган расмий мусулмон руҳонийлари – уламоларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли жуда пасайиб кетди. Аммо мусулмон давлатчилигининг анъанавий таркибий қисми бўлган уламолар обрўсининг пасайиши, ҳокимияти баъзан хонлар, султонлар ва амирлар ҳокимиятидан ҳам юқори бўлган сўфий-дарвишлик тариқатлари ва уларнинг муршидлари – шайх ва эшонларнинг таъсири ошиши билан ҳам боғлиқ эди. Аслида юз минглаб диндорлар онгига таъсир кўрсатиш учун рақобатлашаётган дарвишлик тариқатлари мавжудлигининг ўзи мамлакат сиёсий тарқоқлигининг инъикоси ва маҳсули эди.

Хонликлардаги бундай инқироз ҳолатининг вақти-вақти билан авж олишига қарамасдан, ислом дини амалий ҳуқуқ соҳасида, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда ўз мавқеини сақлаб қолди.

Шундай шароитда шиалар ва суннийлар ўртасидаги эски душманликни бартараф қилиб, Ўрта Шарқ минтақасида ягона мусулмон давлатини тузишга интилган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Афшар (1736 – 1747) қўшинларининг босқинчилик юришларида инқирознинг ташки сиёсий жихати ҳам намоён бўлди. Ҳиндистон, Синд ва Белужистон давлатларини забт этиш якунланиб, Эрон эгаллаган ерларда тинчлик ўрнатилгандан сўнг

унинг бош вазифаси Туркистонни забт этиш бўлиб қолди. Бу вазифани ҳарбий жиҳатдан ҳал қилиш нисбатан осон бўлиб чиқди.

1741 – 1742 йиллари Туркистон ҳудудининг катта қисми Нодир-шоҳ Афшарнинг умри қисқа империясига қўшиб олинishi минтақанинг кейинги тарихий ривожланиши учун бурилиш нуқтаси бўлди. 1747 йили ислом дунёсидаги сўнгги буюк давлат асосчисининг ўлдирилиши ва шундан сўнг Эронда бошланган ўзаро уруш Ғарбий Туркистонда марказ-лашган давлатчилик шаклланиши жараёнининг хронологик чегарасини белгилаб берди.

Бухорода – манғитлар, Хивада – қўнғиротлар ҳокимиятни эгаллаб, ўз давлатларини шакллантирди. Қўқон хонлиги тўлиқ мустақилликка эришиб, минглар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади ва ҳудудини кенгай-тирди. XVIII аср давомида бу давлатлар ривожланишида маълум ижобий жиҳатлар кузатилган бўлса-да, улар ислом дунёсини қамраб олган ва борган сари кучайиб бораётган умумий инқироздан тўлиқ чиқиб кета олмадилар. Чунки бу фақат Туркистонда намоён бўлган сиёсий инқироз эмасди. Аслида бу қачонлардир Арабистон чўлларида Хитой чегарала-ригача бўлган ҳудудда яшовчи кўплаб халқларни маданий бирлик сари чорлаган ғоя – ислом бирлиги ғоясининг инқироzi эди.

Европада католик дунёсини ларзага келтирган Реформациядан сўнг бошланган шундай инқироз Маърифат асридан кейин миллатлар ва миллий давлатларнинг шаклланиш жараёни билан енгиб ўтилган эди. Ислom дунёсида эса бу жараён интеллектуал инқироз билан қўшилиб кетди ва тараққиётдан борган сари ортида қолиб кетаётган мусулмон мамлакатларининг европаликлар томонидан забт этилиши учун шароит яратди. Мусулмон оламида миллатларнинг шаклланиш жараёни кўпчи-лик ҳолларда миллий давлатлар шаклланиши билан боғлиқ бўлиб қолди.

Туркистонда XIX асрга келиб ўз мавқеини йўқотишдан қўрққан мутаассиб руҳонийлар томонидан фан бутунлай сиқиб қўйилди, дунёвий таълим йўқ қилинди. Бу даврда, масалан, Бухорода фан, фалсафа, ахлоқ, ижтимоий қарашлар, умуман Бухоронинг бутун маънавий ҳаёти динга бўйсундирилган ва у билан боғлиқ ҳолатда эди. Шу даврда Бухорода таълим олган татар ислоҳотчиси Абу Наср Курсавий Бухоро таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўз дастурини ишлаб чиқиб, мадраса дарс жадвалидан Ақоид ва Каломни олиб ташлаш кераклиги ва ислом динини фақат Қуръони карим орқали ўрганиш зарурлигини уқтиради. Унинг бу фикри Бухоро уламолари катта қисмининг кучли норозилигига сабаб бўлади. Улар 7 ёки 8 та диний китобнинг барчасини ўқиш шарт деб ҳисоблашган. Курсавий билан Бухоро уломолари ўртасидаги тортишувга бағишланган

мажлисида мусулмонлар 7 ёки 8 та диний китобни ўқиб ўрганмаса, «диндан қайтган киши», яъни «муртад» ҳисобланиб, ўлим жазосига ҳукм қилиниши ҳақида фатво берилди. Абу Наср Курсавий эса қамоққа олинди.

Бу шундан далолат берадики, бир пайтлар тараққиёт ва юксак маданият манбаи бўлган мусулмон мактаблари бу даврда схоластика ва обскурантизмнинг ўчоғига айланган, аҳолининг кўпчилиги кенг маънодаги дунёвий билим ва саводга эга эмасди. Ўша даврда дунёвий билимларни тарқатишнинг муҳим воситаси бўлган китоб чоп қилиш ва ундан фойдаланиш даражаси жуда паст, айниқса Европа мамлакатлари билан солиштирганда аҳвол жуда аянчли эди.

Масалан, XVI аср бошида Европанинг 12 та мамлакатада йирик типографиялар мавжуд бўлиб, уларда ҳар йили 40 минг номдаги китоб-лар чоп қилинган бўлса, мусулмон халқларида буржуача тараққиётнинг ва индустриал цивилизация шаклланишининг муҳим воситаси бўлган китоб чоп этиш XVIII асрда ҳам мавжуд эмасди. Уламоларнинг аксарияти XVIII асрга қадар матбаа – китоб чоп қилишни ҳаром иш деб ҳисоблаган. Динга тегишли ҳар бир матн муқаддас саналган, шунинг учун у ҳаттот томонидан аста-секин, меҳр билан кўчирилиши ва муқоваланиши керак бўлган. Шу боис Тошкентда тош босма деб аталган китоб чоп қилиш ва типография фақат XIX асрнинг охирида пайдо бўлди. Бу пайтда, масалан, Германиянинг Лейпциг шаҳрида 200 та типография яна шунча қоғоз тайёрловчилар, муқоваловчилар ва шрифт қуювчи цехлар мавжуд эди. Европада Иоганн Гутенберг 1445 йили кашф этган китоб чоп қилиш усули бизда қарийб 450 йилдан кейин ўзлаштирилди.

Фақат XIX аср охири – XX аср бошларига келиб соғлом фикрловчи мусулмон уламолари шариатнинг баъзи тақиқлари ижтимоий тараққиёт-га тўсиқ бўлаётганлигини тушуниб етдилар. Мисрда мамлакатнинг бош муфтийси Муҳаммад Абдо XIX асрнинг охиридагина исломни янги, буржуача ҳаёт талабларига мослаштиришга ҳаракат қилди. У 1899 йили ўз фатвосида мусулмонлар учун ҳам фоизли кредитнинг мумкинлигини асослади ва банкларга пул қўйиш ва капиталдан фойда олишга рухсат берди. Кўплаб тарихчиларнинг айтишларича, бу исломда ислоҳотлар-нинг бошланиши бўлиб, у, афсуски, асосан шариат соҳасидаги айрим жузъий ўзгаришлар билан якунланди. XVI асрда христианликда бўлган Реформация сингари тўлиқ ислоҳот исломда амалга оширилмади. Аграр муносабатлар ва унинг асосида шаклланган цивилизация учун маъқул бўлган ислом дини ақидалари мусулмон мамлакатларига ҳам кириб келаётган индустриал цивилизация эҳтиёжларига мослаштирилмади.

Туркистоннинг Россия империяси томонидан забт этилиши минта-қада исломий кадриятларни ислоҳ қилиш масаласини янада долзарб қилиб қўйди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ислом мамлакатларида ҳам анъанавий мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш учун ҳаракат бошланди. Россия империяси таркибида бўлган бошқа мусулмон халқлари қатори бу жараён Туркистон халқлари орасида ҳам аста-секин ёйилди. Бундай ислоҳотга эҳтиёж шунда эдики, мусулмон мактабларидаги ўқитишнинг мазмуни янги даврга, кириб келаётган индустриал цивилизация талабларига жавоб бермасди. Туркистон тараққиётда нақадар ортда қолганлигини тушунган ва мактабларни ислоҳ қилишнинг асосчиларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий немис, француз, инглиз тиллари ўқитиладиган, француз ва инглиз ўқитувчилари дарс берадиган, кимё лабораториялари, жарроҳлик хоналари бўлган Байрут олий ўқув юртлари ҳақида ҳавас билан таъкидлайди. «Бу ерда Туркистондан бошқа дунёнинг барча мамлакатларидан ёшлар ўқийди», – деб алам билан деб ёзади М.Беҳбудий. Уни кутубхоналар, уларнинг бойлиги, журнал ва газеталар сонининг кўплиги ҳайратга солади.

Ғарб цивилизацияси олға интила бошлаган бир пайтда узоқ давр илғор бўлган муҳташам ислом цивилизацияси инқирозга юз тутган эди. XIX аср давомида бу икки цивилизациянинг яқин интеллектуал туташуви юз берганида, ислом цивилизацияси барча кўрсаткичлар бўйича қоқоқ эди. Ғарбий Европада босқичма-босқич шаклланган, Ғарб илмий ва ижтимоий тафаккурининг маҳсули бўлган билимлар ислом дунёсига тўсатдан ва бутун борлиғи билан кириб келди. Европада бир-неча аср давомида аста-секин ривожланган, кишиларнинг борлиқ ҳақидаги тасаввурларига мантикий туташиб кетганлиги учун уларни ҳайратга солмай қўйган олам концепцияси мутлақо бегона, ўзи учун ўрин ҳам, айна пайтда у олиб келган саволларга асосли жавоби ҳам бўлмаган ислом дунёсига тўсатдан кириб келди. Бунинг оқибати тафаккурдаги кескин бурилиш бўлиб, у XX аср охиригача ислом жамиятининг тинчлигига путур етказди. Бу нотинчлик XXI аср бошларида ҳам давом этмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, ислом дунёсида XIII асрдан бошланган турғунлик XIX асрга келиб кўплаб ислом мамлакатлари, жумладан, Туркистоннинг мустамлакага айланиши учун асосий сабаб бўлди. Бу даврда Ғарбда юз берган саноат инқилоби ҳам ислом дунёсини четлаб ўтди. Фақат XVIII асрга келиб Ғарб давлатлари ва Россиядан бир қатор ҳарбий мағлубиятларга учраган мусулмонларда «кофирлар»дан ўрганиш лозимлиги ҳақида фикр пайдо бўлди.

Шунинг учун бугун ҳам кўпчилик илмий ёки адабий давраларда баҳс мавзуси бўлиб келаётган Россия босқини арафасида Туркистон жамиятининг маданий даражаси ҳақида

юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб фикр юритиш мумкин. Албатта, етмиш йил коммунистлар олиб борган атеистик сиёсат замонавий ўзбек жамиятининг Ғарб цивилизацияси илмий-техник ютуқларини қабул қилиш имкониятини оширди. Аммо ҳозир ўзига хос маданий-тарихий парадигма доирасида фикрлашга кўниккан замонавий ўзбекистонлик яқин ўтмишдаги тарихий жараёнларга тегишли бўлган ёки ўзгача қадриятларга асосланган айрим саволларга кўпинча у ёки бу мафкуравий концепциялар контекстида жавоб топишга уринади. Муаммо шундаки, биз кўпчилик ҳолларда мутлақо турлича, баъзан бир-бирига қарама-қарши мафкуравий ёндошувларга хос бўлган тафаккур конструкциялари доирасида фикр юритамиз. Кимдир коммунистик ғоя таъсиридан охиригача қутила олмаган бўлса, бошқа биров советлар ҳокимияти қулаганидан ўттиз тўрт йил ўтиб ҳам жамиятдаги барча муаммолар учун фақат коммунистларни айблашда давом этмоқда. Бу, албатта, фақат сиёсий, иқтисодий тизим эмас, ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги глобал тушунчалар ҳам кескин ўзгараётган ўтиш даври кишисининг тафаккуридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бартольд В.В. Улугбек и его время // Записки Российской академии наук. По историко-филологическому отделению. Том XIII. № 5. – Петроград, 1918.
2. Гачикус А. Коммунизм в исламе.
http://samlib.ru/g/gachikus_a/communisminislam.shtml
3. Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2019.
4. Ланда Р.Г. Культурно-историческая почва исламского экстремизма // Исламский фактор в истории и современности. – М., Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2011. С. 30.
5. Махмудхўжа Бехбудий. Саёҳат хотиралари. // «Ойна», 1914, 48-сон.
6. Мейер М.С. Историческая динамика исламской цивилизации // Исламский фактор в истории и современности. – М., Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2011.
7. Россия – Средняя Азия: Политика и ислам в конце XVIII – начале XXI века. – М.: Издательство Московского университета, 2013.
8. Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш). – Т.: “Шарқ” НМАК, 2005.
9. Якупов С.Ф. Особенности исламской цивилизации: менталитет, политико-правовые и экономические институты // Вестник Челябинского государственного университета. 2012. № 35 (289). Философия. Социология. Культурология. Вып. 28.